

Сабр



13:00 / 24.02.2022 2403

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларга аралашиб, уларнинг озорларига сабр қилиб юрадиган мўмин одамларга аралашмасдан, уларнинг озорларига сабр қилмайдиган мўминдан яхшидир», дедилар».

Имом Термизий ривояти.

Изоҳ: Кўпчиликка аралашиб, уларни яхшиликка чақириб, амри маъруф, наҳий мункар қилиб, қўлидан келганича инсофга чақириб, шу туфайли уларнинг даққиларини, сўқишларини эшитиб, озорларини кўриб, сабр қилиб борган мўмин ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали киши ҳисобланади. Одамларга аралашмасдан, уйига кириб, ўтириб олган, бировдан бир гап эшитса, аччиғи келиб, уриш-жанжал қиладиган одамда хайр-барака йўқ. Бундай одам жуда борса, ўзи учунгина бирор иш қила олади, холос. Лекин бундай одамнинг жамият учун,

одамлар учун, мўмин-муслмонлар учун, дин-диёнат учун бирор хизмат қилиши қийин бўлади. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга аралшиб, уларнинг озорларига сабр қилиб юрадиган мўминни афзал деб айтганлар.

Манба: @arabicuz